

Ҳақим Сўфий

СЎХ
ТУМОРИ



ҲАКИМ СЎФИЙ

СЎХ ТУМОРИ

Тошкент
«Янги аср авлоди»
2007

Донишмандлардан бири «Мен ер юзида юрган не-не зотларни кўрдим, улар аслида ўликдирлар, ер остида ётган не-не зотларни кўрдим улар аслида тирикдирлар» деб ёзган эди. Қўлингизга мазкур «Сўх тумори» номли китобни олиб варақлаганингизда хаёлингиздан беихтиёр шундай ўй кечади. Шунинг баробарида китобни ўқиш асносида Сўх замини ва у ерда истиқомат қилаётган халқнинг ўзига хос турмуш-тарзи, маданияти, урф-одатлари билан ҳам яқиндан танишишга муяссар бўласиз.

Тақризчи:

Б. ЛАТИПОВ,
педагогика фанлари номзоди

ISBN 978-9943-08-205-2

© Ҳақим Сўфий «Сўх тумори». «Янги аср авлоди», 2007 йил

СЕЛУНГУР МЎЪЖИЗАСИ

Антик даврларга оид Селунгур ғори ҳақида кўп эшитганмиз. Бу ғордан палеолит ва мезолит даврларига тегишли бўлган кўплаб бебаҳо ёдгорликлар топилгани ҳақидаги маълумотлар ҳам бизга нотаниш эмас. Шундай ёдгорликлардан бири – Селунгур мўъжизаси қадимги дунё тарихида муҳрланиб қолган. Миллион йиллар билан тенгдош бўлган бу мўъжизалар масканида Сўх воҳаси ястаниб ётибди. Осмонўпар тоғлар орасидаги бу водийда ҳар бир гўша олис мозийдан дарак беради.

Ҳақим Сўфийнинг узоқ йиллик изланишлари самараси бўлган мазкур «Сўх тумори» китобини ўқиб, туганмас таассуротлар уммонига ғарқ бўласиз. У ўзи туғилиб ўсган маскани – Сўх ҳақидаги ҳикояларининг адоғига етиб бўлмайди.

Ҳар бир гўшанинг таяниб турган ўз устунлари, самбитдек чинорлари бўлади. «Сўх тумори» китобини ўқиб муаллифни Сўх водийсининг нақшинкор бир устунига қиёс қилгим келди. Шоир Нодир ушбу китоб муаллифини «Шахсутуни Сўх» дея таърифлаганда тўла ҳақли эди.

Халқимизда «Бировни улуғласанг сен ҳам улуғ бўласан», деган нақл бор. Ҳақим Сўфий Сўхнинг ўтмишини ҳам, бугунини ҳам улуғлаган адибдир.

Аслида ўтмиш ҳам, бугун ҳам одам билан улуғдир, инсон билан тирикдир. Тарихни инсон яратади. Ҳақим Сўфий ўз китобида тарихда ўтганларга қайтадан жон ато этади, замондошлари умрига умр бахшида этади.

Кўҳна Сўх йилдан-йилга яшариб, кўркамлашиб, навқирон бўлиб бораётганини Ҳақим Сўфийнинг мазкур китобини ўқиб яна бир бор амин бўлдик.

Ушбу китоб муаллифи жуда кўплаб аждодлари номини ҳурмат билан тилга олади. Азиз авлиёлардан тортиб, ҳар бир ўтмишдошининг фаолияти билан бирга бугунги замондошига ҳам яхши тилаклар изҳор этади.

Тарихни бир киши яратмайди. «Сўх туморига» ўхшаш ўнлаб китоблар силсиласи бир-бирига уланиб яхлит бир халқани юзага келтиради. Менинг назаримда, Сўх тарихини Ҳаким Сўфийдан кўра яхшироқ биладиган киши бўлмаса керак. Муаллиф бу масканнинг ўзига хос сир-синоати билан ярим асрдан буён ошно ва у ўтмишдаги ҳар бир воқеага худди ўзи гувоҳ бўлгандек муносабат билдиради.

Ҳаким Сўфий аввалги китобини «Жилои ахтароғи Сўх» («Сўх юлдузларнинг жилоси») деб бежизга атамаган. Бу китобда ўттизга яқин қалам аҳллари ҳаёти ва ижоди ҳақида маълумот берилган. Биргина Сўхнинг ўзида шунчалик иқтидор эгалари етишиб чиқиб, Республикамининг турли шаҳарларида фаолият кўрсатмоқда экан, шунинг ўзиёқ шу заминда камолга етган одамларнинг илмга, маърифатга интилиб яшаётганидан дарак беради.

Сўхда ҳозир ҳам ҳаёт қайнамоқда, кундан-кунга навқирон авлод вакиллари вояга етмоқда. Қўлингиздаги мазкур китобда мана шу қайноқ ҳаётнинг ўтмиши ва бугуни ҳақида сўз боради.

Кимки ўзи туғилиб ўсган ерини қанчалик севса, у ўз Ватанини ҳам шунчалик улуғлаган бўлади. Зеро, «Ватан остонадан бошланади» деган нақл замирида ҳам шу маъно яширин. Ҳаким Сўфий ҳам «Сўх тумори» китоби орқали ўзи туғилиб ўсган остонани улуғлаб ардоқлаган.

*Файзулло БОЙНАЗАРОВ,
филология фанлари доктори, профессор,
Халқаро Anfigure WORLD илмий академияси
вице президенти, академик*

СЎЗБОШИ

Аллоҳга шукроналарким, шу йил пайғамбарамизнинг муборак ёшини қаршилаш каминага ҳам насиб этибди. Буни қарангки, умримнинг шунча йили ортда қолганини билмай қолибман.

Ўзим 1945 йил 24 июл куни гўзал ва сўлим Қалъа қишлоғида, Сўфи Зиёд исмли зиёли инсон оиласида дунёга келган эканман. Бутун онгли ҳаётим мен учун Ватан тушунчасининг бўсағаси бўлмиш Сўх билан чамбарчас боғлиқ эди. Халқ хизмати йўлида ҳаётнинг кўп соҳаларида оддий ишчидан то раҳбарликкача бўлган лавозимларда ишладим. Ҳаётимнинг мазмунида энг муҳим бўлган омиллардан бири бу доимо халқим билан, Ватаним билан бирга бўлиш эди ва бугун фахр билан айта оламанки, халқ хизмати адо этишга озгина бўлса-да ҳисса қўшдим.

Сўхда ўсиб, ўқиб, ишлаб юрган пайтларимда ўзим кўриб гувоҳи бўлган ва диёримнинг ёш авлодига сабоқ ва ўрнак бўла оладиган баъзи бир ёдимда қолган воқеаларни қоғозга тушириб, шу тариқа Сўх тарихи саҳифаларига лойиқ бўлган факт ва далилларни айтирман деган умид билан қўлимга қалам олдим.

Мақсадим китобда кўрган кечганларимни акс эттириш ва шу асосда Сўх ҳақида назардан четда қолган воқеалар, мен билган аммо бошқаларга билинмай қолган лавҳаларни ёритишдан иборатдир.

Шунчаки шахсий фикрлар ва таассуротлар, шунингдек ҳаётий тажрибалардан олинган хулосалардан иборат бўлган ушбу китоб муаллифи сифатида қандайдир даъволардан олисман. Агарда шу китобни ўқиб озгина бўлса ҳам Сўх ҳақидаги таассуротларингиз бойиса ўзимни бахтиёр деб биламан.



СЎХ ТУМОРИ ҲАҚИДА

1893-1894 йилларда олиб борилган археологик қазилмалар натижасида Сўх қишлоғининг яқинида икки метр чуқурликдан топилган топилма «Икки бошли илон» ёки «Сўх тумори» деб ном олган. Ўша даврда бу экспонат Туркистондаги Археология ҳаваскорлари тўғрагига тегишли музейга тушган. Сўх тумори топилганига бир асрдан ошган бўлсада музей тарихида шу кунгача энг сирли топилмаларнинг бири бўлиб қолмоқда. Бундай топилма дунёдаги бошқа топилмалардан ҳар томонлама фарқ қилади. Буни Озарбайжон, Эрон мамлакатларидан топилган икки бошли илонлардан илгари ясалгани ҳақидаги маълумотлар тасдиқлайди. Археологларнинг тахминига кўра ушбу топилма эрамиздан аввалги III-II минг йилликларга тўғри келмоқда. Сўх туморининг баландлиги 27 см, эни 24 см, йўғонлиги 4.5 см, оғирлиги 4.806 кг ни ташкил этади.

Нью-Йоркдаги тарихий бадий музей ҳисобланган Метрополитен музейида 2003 йили Ўрта ер денгизидан Инд қирғоқларигача бўлган ҳудудда эрамиздан олдинги 3 минг йиллик даврида биринчи шаҳарлар тарихи кўрғазмаси ўтказилган. Бу кўрғазмада Ўзбекистон узининг тарихий музейида сақланаётган «Сўх тумори» экспонати билан қатнашган.

*Генадий БОГОМОЛОВ,
«Фан ва турмуш»,
2004 йил, 2-3-сонлари.*

СЎХНИНГ ТАБИАТИ ВА ЖЎҒРОФИК МАВҚЕИИ

Ўзбекистонинг жаннатмакон воҳаси бўлган Сўх тумани ҳақида тарихчи олимларнинг воҳага оид асарларида қуйидаги сатрларни ўқийсиз: «Сўхнинг чашма булоқларию ҳосилдор ерлари, меҳмоннавоз халқи, иболи, иффатли, лобар қизлари, гўзал боғларидаги сайроқи булбулларию тоғдаги хиромонлари, маданиятли, илмга чанқоқ инсонларию ҳақиқатгўй, ташкилотчи, қобилиятли, ишбилармон кадрлари мафтун этади».

Бундай чиройли мавқе касб этган Сўх тумани Фарғона вилоятининг жанубий қисмида жойлашган бўлиб, майдони 220,7 км, аҳолиси 57000 нафарни ташкил этади. Сўх денгиз сатҳидан 1400-1800 м баландликда бўлиб, туман аҳолиси таркибини асосан тожиклар, ўзбеклар, қирғизлар ташкил этади.

Иқлими субтропик ёғингарчилик йиллик ҳисобда 250-274 мм ташкил этади. Бу ерда қишлоқ хўжалиги ривожланган. Асосан картошка, макка, сабзавот уруғлари, ширин шакар мевалар, девзира гуручи, хушбўй зираларию минг дардга даво шифобахш асаллари билан шуҳрат қозонган.

Олой тоғ тизмаларидаги 99 музликлардан сув оладиган Сўх дарёси воҳанинг ўртасидан кесиб ўтиб, минглаб гектар ерларга обу ҳаёт бахшида этиб келмоқда. Сўхда юздан ортиқ кичик ва катта булоқ чашмалари мавжуд бўлиб, улардан чиқаётган сув экологик жиҳатдан тоза бўлгани ҳолда минглаб кишилар дардига шифо бўлиб келмоқда.

Сўх маъмурий жиҳатдан Фарғона вилояти таркибига киради. Тўрт томондан фақат Қирғизистон Республикаси билан чегарадош.

МОЗИЙГА НАЗАР

СЎХ ҲАҚИДА АЛЛОМАЛАР ТАЪБИРИ

Араб сайёҳи, қомусчи олим Абулқосим Муҳаммад Ибн Ҳавқал «Китоби суратил арз» номли асарида келтиради: «Фарғона юқори Нисйа, қўйи Нисйа, Асбара (Исфара), Никад (Новкат), Миён Рудак, Жудғул, Урест, Бесафар, Ашт каби масканлардан таркиб топгандир. Юқори Нисйа Фарғонага Хўжанд томонидан келингандаги биринчи ўлка бўлиб, унинг Ванкент, Сўх, Ҳавокент (Қўқон), Риштон шаҳарлари бор. Юқори Нисйада қатрон (смола), чироқтош (чироқтош), кумуш, олтин, фируза, темир, мис, қалайи, симоб қазиб олинади».

Ибн Ҳавқалнинг ушбу фикрига биноан, VIII-IX асрларда Сўх юқори Нисйа ҳудудига кирган. У тилга олган масканлар ҳудудларида қазилма ишлари олиб борилган ва ундан кўплаб топилмалар қазиб олинган. Ибн Ҳавқал ўз кўзи билан кўриб ёзган далиллари бугун ҳам Сўх ҳудудида симоб, мармар, ганч, сурма каби ер ости қазилмаларининг борлигида ўз тасдиғини топади. Бу эса ўша даврлардаёқ меҳнаткаш халқимиз металл ишлови, темирчилик билан шуғулланганидан, ўлкада чорвачилик, деҳқончилик маданияти ривожланганидан далолат беради.

Яна бир араб олими, сайёҳ ибн Ҳаммулий ал-Идрий «Нусхат ал-муштоқ фин хутира ал-Офоқ» («Дунё бўйлаб сафарларга интилувчининг қувончлари») китобида ёзади: «Юқори Нисйа шаҳарлари орасида Ванкент (Боткент), Сўх, Ҳавоқанд (Қўқон), Риштон кўп эътиборга сазовордир». Ушбу парчадан маълум бўладики, Сўх ўрта асрларда ҳам дунё сайёҳлари диққатини ўзига жалб этган.

Фақатгина шу икки тарихий факт халқимиз фахрланса арзийдиган даражада бой ўтмишга эга эканлигимиздан далолат беради.

АФСОНА ВА ҲАҚИҚАТ

Сўх халқи орасида Ҳиндистонда ҳукмронлик қилган «Буюк мўғуллар империяси» давлатининг асосчиси ва Ўрта Осиёда ҳукм сурган, Қўқон хонлигининг ташкил топишида ўзига хос авлодий нақши бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобур номи билан боғлиқ икки муҳим афсона мавжуд. Бу «Санги ойина» ва «Олтин бешик» афсонлари бўлиб, давр тарихчилари томонидан чуқур ўрганилган ва уларга маълум маънода тарихий факт сифатида қаралган.

«Олтин бешик» афсонасига кўра, Бобур Саидофоқ исмли хотинидан ўғил кўради. Бироқ йўлдаги хавф-хатардан чўчиб, эмизикли чақалоқни олтин бешик билан йўл бўйига ташлаб кетишга мажбур бўлади. Ўзбекларнинг Қирқ, Қипчоқ, Қирғиз ва Минг уруғлари йўлдан ўта туриб чақалоқни топиб, унга Олтин бешик деб исм қўйганлар. Сўнг Бобур Ҳиндистонда подшоҳлик вақти ўғлини олиб келишни буюради. Аммо фарғоналиклар шаҳзодани ўзимизга хон қиламиз деб олиб қоладилар. Орадан икки юз йилга яқин вақт ўтиб Олтин бешикнинг ўнинчи авлоди – Шоҳруҳбий ўзини Олтин бешик орқали теурийлар авлодига боғлаб «Хон» унвонини олишга қонуний ҳақли эканлигини асослаб берган (1709 йил).

«Санги ойина» ва «Олтин бешик» афсонами ҳақиқат, деган саволнинг жавоби борасидаги баҳс-мунозаралар ўтган асрдан бери давом этиб келмоқда. Баъзи тарихчилар «Олтин бешик» афсонасини «Қўқон хонлари тахтга эгалик ҳуқуқларини исботлаш учун тўқиб чиқарганлар» деб бу ҳақда «Бобурнома»да маълумот йўқлигини далил сифатида кўрсатадилар. Бироқ, ривоятда тилга олинган кишиларнинг барчаси тарихий шахслардир. Бундан таш-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/3859> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/3859> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/3859>